

ҚАСДАН ОДАМ ЎЛДИРИШ ЖИНОЯТИНИНГ ОБЪЕКТИ

Ибрагимов Фаррух Фарходович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси “Ташкилий-стратегик бошқарув”
мутахассислиги тингловчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу илмий мақолада қасддан одам ўлдириш жиноятининг объектига доир масалалар баён этилган. Шунингдек, тадқиқот натижалари таҳлил этилиб, тегишли таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлари: қасд, жиноят, одам ўлдириш, объект, қонун, ижтимоий хавфлилик, тажовуз.

ОБЪЕКТ ПРЕСТУПЛЕНИИ УМЫШЛЕННОЕ УБИЙСТВО

АННОТАЦИЯ

В данной научной статье рассматриваются вопросы касательно признаков умышленного убийства. Также были проанализированы результаты исследования, даны соответствующие предложения и рекомендации.

Ключевые слова: умысел, преступление, убийство, объект, закон, общественная опасность, посягательство.

AN OBJECT OF THE CRIME OF INTENTIONAL MURDER

ABSTRACT

This scientific article deals with the signs of intentional murder. The results of the study were analyzed, relevant proposals and recommendations were given.

Keywords: intent, crime, murder, object, law, public danger, encroachment.

КИРИШ

Бизга маълумки, тажовуз объектини тўғри аниқлаш ҳар қандай жиноятнинг моҳияти ва ҳуқуқий табиатини ҳамда ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Жиноят қонуни билан қўриқланадиган ҳар қандай ижтимоий муносабатлар жиноятнинг объекти бўлади. Жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 2-моддасида берилган бўлиб, шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, мулк, табиий муҳит, тинчлик, инсоният хавфсизлиги, Ўзбекистоннинг Конституциявий тузumi жиноятнинг объекти бўлади. Фақат жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларгина

жиноятнинг объекти бўлади. Жиноят қонуни билан қўриқланмайдиган ижтимоий муносабатлар жиноятнинг объекти бўла олмайди.

Жиноят объектининг турлари жиноят ҳуқуқи назариясида учга бўлиб таҳлил қилинган бўлиб, булар умумий, махсус ва бевосита объектлардан иборат. Жиноят ҳуқуқида умумий объект дейилганда, жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатлар йиғиндиси тушунилади. Жиноят қонуни билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳаси махсус объект, дейилади. Жиноят қонунининг конкрет нормаси билан қўриқланадиган муносабатга жиноятнинг бевосита объекти, дейилади.

Жиноятлар бевосита объектига кўра бир-биридан фарқ қилади. Жиноят ҳуқуқи назариясидан маълумки, ҳаётга қарши қаратилган барча жиноятларнинг объекти бошқа инсоннинг ҳаётidir. Шундай экан қасддан одам ўлдириш жиноятининг ҳам объекти бошқа инсоннинг ҳаёти ҳисобланади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Тиббиётдан биламизки, инсон биологик мавжудотдир. Инсон ҳаёти вақт оралиғида кечувчи ва шу билан бирга ўз бошланиши ва интиҳосига эга бўлган, муайян биологик жараёни акс эттирувчи тушунчадир. Бироқ биз инсон ҳаётини фақат биологик тушунча деб чеклаб қўйишимиз нотўғри бўлар эди. Чунки, инсон ҳаёт экан у жамиятнинг аъзоси ҳисобланади ва у жамиятда ҳукмронлик қилаётган ижтимоий муносабатларнинг субъекти бўлиб ҳисобланади. Инсонни ҳаётдан маҳрум этиш жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг бузилишига олиб келади. Демакки, инсон ҳаётини ижтимоий муносабатлардан ажратиб бўлмайди.

Ҳаёт фақатгина биологик тушунча сифатида жиноятнинг объекти бўлиши мумкин эмаслигини қуйидагича исботлашимиз мумкин. Маълумки, инсоният ўз тарихи давомида бир неча жамиятларни қурган, улар орасида шундай жамият ва қонунлар бўлганки, улар инсон ҳаётини муҳофаза қилмаганлар. Масалан, қулдорлик тузумида озод кишини ҳаётдан маҳрум қилиш одам ўлдириш бўлиб ҳисобланган. Қулни ўлдириш эса жиноят ҳисобланмаган. Худди шу каби феодализм даврига келиб хўжайин деҳқонни ўлгунича дўппослар, агар хоҳласа уни бошини танасидан жудо қилишни буюриши мумкин эди[1].

Қонун жиноий тажовузлардан ҳаётни нафақат биологик тушунча сифатида, балки инсон ҳаётини ижтимоий муносабатларнинг вужудга келиши, мавжуд бўлиши ва ривожланишининг асоси сифатида ҳам ҳимоя қилади[2].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилиги, хоҳ у гўдак бўлсин хоҳ катта ёшдаги киши, хоҳ у оғир ва тузалмайдиган касал бўлсин, хоҳ соғлом, барча одамлар ҳаётини бир хил тенгликда муҳофазалайди.

Қасддан одам ўлдириш жиноятининг бевосита объекти бошқа инсоннинг ҳаёти, шундай экан, жиноят содир қилиниш пайтида жиноят кимга қаратилган бўлса, ўша одам тирик бўлиши талаб этилади. Акс ҳолда у қасддан одам ўлдириш деб топилмайди. Яъни, жиноят содир қилингунга қадар “жиноят объекти” бўлмиш одам ўлиб бўлган, бироқ буни жиноят субъекти билмайди ва уни ўлдириш мақсадида жиноятни содир этади (жиноят ҳуқуқи назариясида бундай ҳолат “*яроқсиз объект*”га тажовуз қилиш, ёки объектга нисбатан хато деб аталади). Бундай ҳолда, жиноят субъектининг қилмишига қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этишга суиқасд қилиш, деб қаралмоғи лозим. Чунки, гарчи бу ерда “*жиноят объекти*” мавжуд бўлмаса-да, жиноят субъектининг ҳаракатлари ўзининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотмаган бўлиб ҳисобланади.

Демак, қасддан одам ўлдириш жиноятини ижтимоий хавфли қилмиш сифатида таснифлаш учун мазкур жиноятнинг объектига қўйиладиган талаб – бу тажовуз қилинаётган инсоннинг ҳаёт, яъни тирик бўлишилигидир. Шундай экан, инсон ҳаёти қачон бошланади ва қачон ўз якунини топади, деган савол ҳаммамизни қизиқтириши табиийдир. Чунки, инсон ҳаётининг жиноят-ҳуқуқий муҳофазаси қачондан бошланиб, қачонгача давом этишини билиш ижтимоий-иқтисодий, тиббий, ҳуқуқий нуқтаи назардан жуда муҳимдир.

А.Н.Красикова эса, ҳомиладорнинг организмидан ҳомиладорлик маҳсулини тўлиқ ҳайдалиш ёки чиқариб ташланишини, яъни, кесиб ташланмаган киндик ичакчасини истисно этиб, ҳомиланинг туғувчи қорнидан ажралиши ва чақалоқда нафас олиш ёки юрак урушнинг, киндик ичакчасининг пулсацияси ёхуд мушакларнинг эркин ҳаракатлантиришнинг мавжудлигини қайд қилинишини инсон ҳаётининг бошланғич лаҳзаси деб ҳисоблаш лозим деган, фикрни илгари суради. У ўзининг бундай ёндашувини соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқ ва инструкциялари билан асослайди[3].

Шунингдек, мазкур масала юзасидан ўз изланишларини олиб борган профессор М.Х.Рустамбаев чақалоқ танасининг бирор қисми тўлғоқ жараёнида она қорнидан ташқарида пайдо бўлган вақтни ҳаётнинг бошланиши деб ҳисоблаш маъқуллигини таъкидлайди[4].

Ҳукукий адабиётларни қисқача таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, инсон ҳаётининг бошланиш лаҳзасини аниқлаш юзасидан қуйидагича ёндашувлар мавжуд:

- нафас олишнинг бошланиши;
- ҳомиланинг она қорнидан тўлиқ ажралиши;
- жисмоний тўлғоқнинг бошланиши[5];
- киндик ичакчасини кесиб ташланиши[6];
- чақалоқнинг бирон бир қисмини она қорнидан ташқарида пайдо бўлиши[7];
- онанинг бўйида (ҳомиладор) бўлиши билан.

Айнан сўнгги ёндашувни таклиф қилган А.Н.Поповнинг фикрича, инсон ҳаёти у туғилгунига қадар анча илгари бошланади. У ўз фикрини тиббиётдаги энг охирги илмий ютуқлар билан асослайди. Ҳозирги замон тадқиқотлари шуни кўрсатадики, ҳомила (плод) қорин ичида ривожланишининг бутун даври мобайнида она танасининг бир қисми сифатида кўрилиши мумкин эмас. Чунки, ҳомиладор (буйида) бўлганидан бир неча кундан кейин ҳомилада нафас олиш, асаб ва овқатни ҳазм қилувчи ва бошқа органлар шаклланади. Австриянинг Линц шаҳрида жарроҳлар, ҳали 13 ҳафтадан сўнггина ёруғ дунёга келиши керак бўлган қизчанинг ҳаётини сақлаш буйича операцияни ўтказдилар. Жарроҳлик аралашуви йўли билан шифокорлар ҳали туғилмаган боланинг юрак клапанини очишга эришдилар.

1996 йилги биоэтика бўйича Европа Кенгашининг сессиясида олимлар эмбрион (ҳомила)ни ҳомиладорлик (буйидалик)нинг 14-кунига келиб, инсон сифатида кўрилишини таъкидлаганлар[8].

Инсон ҳаёти қачондан эътиборан бошланган бўлиб, ҳисобланишини аниқлаш жинойт ҳукуқи учун жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки мазкур масаланинг ечими, кўпдан бери олимларни баҳсига сабаб бўлувчи жиноий равишда ҳомила тушириш (бундан кейин аборт) жинойти билан одам ўлдириш жинойт (хусусан, онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши (ЖКнинг 99-моддаси))ларини бир-биридан узил-кесил ажратиб беради. Яъни инсон ҳаёти қачон абортнинг объекти бўлиб ҳисобланади ва қачондан одам ўлдиришнинг объекти бўлиб ҳисобланади.

Т.В.Кондрашова, туғилаётган боланинг, ҳали у она танасидан тўлиқ ажралишга улгурмаган пайтида, тириклигини барҳам топтиришга қаратилган ҳаракатларни, одам ўлдиришга суиқасд деб квалификация қилишни тавсия қилади[9]. Т.В.Кондрашованинг ёндашувини Р.Шарипов маъқулламайди.

Р.Шариповнинг фикрига кўра, туғилиш маҳсулининг ҳаёти, туғувчи организмидан уни чиқариб ташлаш даврида, инсон ҳаётининг жиноят ҳуқуқий муҳофазасидан четда қолиб кетиши мумкин эмас, шу ўринда чақалоқни туғилиш пайтида унинг организмига бевосита таъсир қилиш орқали атайин ўлдирилиши қасддан одам ўлдириш сифатида тан олинishi лозим[10].

Жисмоний тўлғоқнинг бошланиши бола, унинг ҳаётига қилинган тажовузни одам ўлдириш сифатида квалификация қилишга имкон берадиган, ҳаётининг бошланиши бўлиб ҳисобланади. Шундай экан инсон уруғини тўлғоқ бошлангунга қадар йўқ қилиниши одам ўлдириш сифатида кўрилиши мумкин эмас, балки ноқонуний аборт сифатида қаралиши лозим. Бироқ туғилаётган болага зиён етказиш, гарчи тўлғоқ ўз вақтидан илгари бошланган бўлса ва бола она қорнидан тўлиқ чиқмаган бўлса-да, одам ўлдириш ёки унга суиқасд қилиш деб квалификация қилиниши лозим деган қарашлар[11] ҳам мавжуд. А.А.Жижиленко ҳам шунга ўхшаш нуқтаи назарини билдириб шундай ёзган эди: "...ҳали туғиш бошланмаган бўлса, одам ўлдириш эмас, балки ҳомиланинг нобуд бўлиши юз беради, аммо туғилиш юз бериши биланок, хусусан, чақалоқ танасининг бир қисми ташқарида пайдо бўлса, у ҳолда, ўлдирганлик учун жазоланиши лозим бўлган, инсон туғилиши ҳақида суз юритишимиз мумкин"[12].

Демак, юқоридаги кўпчилик олимларнинг нуқтаи назарлари шундан далолат берадики, инсон ҳаётининг жиноят ҳуқуқий муҳофазаси жисмоний тўлғоқ жараёнининг бошланиши, хусусан, ҳомила танасининг бирон қисми она қорнидан ташқарида пайдо бўлиши билан бошланади. Мазкур ёндашув бошқа, яъни инсон ҳаётининг жиноят ҳуқуқий муҳофазаси, тириклик белгилари (юррак уруши, қон айланиши, нафас олиши ва ҳ.к.)ни ўзида мужассам этиб туғилиши билан бошланади[13], деган саёз ёндашувдан фарқли уларок, энг мақбул ёндашув деб эътироф этилиши лозим. Чунки, мазкур ёндашув чақалоқ ҳаётини туғиш жараёнининг бошланиши биланок жиноят ҳуқуқий ҳимояланиши лозимлигини таъкидлайди ва бу ўз ўрнида инсон ҳаётини муҳофаза этиш соҳасидаги инсонпарварлик принципи талабларига мувофиқ тушади.

Бизнингча, ҳам баъзи хорижий мамлакатлар сингари инсон ҳаёти қачондан жиноят ҳуқуқий ҳимояланишини қонунчилигимизда мустаҳкамлаб қўйилиши мақсадга мувофиқ бўларди. Бундай қонданинг мустаҳкамланиши билан жиноий равишда ҳомила тушируш жинояти билан одам ўлдириш (онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириш) жиноятини ажратиш борасидаги баҳсли

мунозарага чек қўйилар ва туғилаётган инсоннинг ҳаётини жиноят ҳуқуқий муҳофазаси бир қадар кучайтирилган бўлар эди.

Маълумки, қасддан одам ўлдириш жинояти моддий таркибли жиноят бўлиб ҳисобланади. Яъни мазкур жиноят ундан “кўзланган” жиноий оқибат, яъни тажовуз қаратилган одамнинг ўлими юз бериши билан тугалланган ҳисобланади. Акс ҳолда, бундай оқибатнинг юз бермаслиги, одам ўлдиришга суиқасд қилиш деб топилади.

Юридик адабиётларда, инсон ўлимининг юз бериши вақтини юрак уришнинг тўхташи ва нафас олишнинг тўхташи билан боғлашган эди[14]. Бироқ кейинги йилларда тиббиётда эришилган ютуқлар юқоридаги нуқтаи назарнинг янглиш эканини кўрсатди. Ўлимнинг юз бериши клиник ўлимнинг юз бериши бўлиб ҳисобланади. Тиббиётда эришилган ютуқлар шарофати билан клиник ўлим юз берган инсонларнинг юрак уриши, нафас олиши тикланмоқда ва улар яна ҳаётга қайтмоқдалар.

Ҳозирги кунда инсон ўлимининг юз бериш вақти юзасидан, тиббиётчиларда ҳам ҳуқуқшуносларда ҳам ягона мулоҳаза мавжуд. Мазкур мулоҳаза шундан иборатки, инсон биологик ўлимнинг юз бериши билан ўлган ҳисобланади. Биологик ўлим бу организмнинг бир бутун сифатида, тузатиб бўлмас ҳалокати, юрак фаолиятининг тўхтаганлиги; йирик артерияларда пульсацияларнинг йўқолиши; нафас олишнинг тўхташи; марказий асаб тизимини функцияларининг йўқолишидир. Биологик ўлимнинг асосий белгиси бош миядаги ва марказий асаб тизимидаги органик ўзгариш (тузалмас ҳалокати)ларининг юз беришидир.

Тиббиётда клиник ўлим тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, клиник ўлимнинг юзага келиши (юракнинг тўхташи) бу ҳали, инсоннинг ўлимини англатмайди, чунки тиббиёт ходимлари замонавий шароитларда юракнинг ишлаш фаолиятини қайта тиклаш имкониятига эга.

Инсоннинг ўлими билан унинг шахсини ҳимоялаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳам, унинг ҳаётини жиноят-ҳуқуқий ҳимоя қилиш ҳам ўз ниҳоясига етади.

Қасддан одам ўлдириш ёки инсоннинг ўлимига сабаб бўлиш объекти бошқа кишининг ҳаёти бўлганлиги учун, ўзининг ҳаётига тажовуз қилиш (ўз ўзини ўлдириш, ўз-ўзини ўлдиришга қасд қилиш) жиноий жазоланмайдиган қилмишдир. Бундай қилмишлар жамиятдаги дин ва ахлоқ нормалари билан қораланади.

Бирок шуни эслатиб ўтиш жоизки, жабрланувчининг ўз илтимосига кўра, уни ҳаётидан маҳрум этиш шахсни жиноий жавобгарликдан озод этмайди. Мазкур масалага тўхталиб ўтиш ҳам ижтимоий, ҳам ахлоқий, ҳам жиноий ҳуқуқий аҳамиятга эга. Чунки, сўнги пайтларда ҳуқуқий адабиётларда эвтаназия, яъни оғир, тузалмайдиган касаллик билан оғриган шахсни, унинг азоблардан кутулиш мақсадида қилган илтимосига кўра ҳаётдан маҳрум этганлик учун жавобгарлик масаласи буйича мунозаралар авж олмоқда. Чунки, эвтаназия ҳам ахлоқий, ҳам диний, ҳам ҳуқуқий жиҳатдан асосланмаган талқиндир. Ҳаттоки, қадимги Юнонистонда шифокорлар: “Ҳеч кимга ўлдирадиган дори бермайман, ҳаттоки буни илтимос қилсалар ҳам, шунингдек бундай маслаҳатни бировга бермайман”, деб қасамёд қилганлар[15].

Эвтаназия (юнонча, инглизча – *яхши ўлим*) – беморнинг илтимосига мувофиқ жисмоний таъсир кўрсатиш йўллари ва воситалари орқали унинг яқинлашиб келаётган муқаррар ўлими жараёнини тезлаштириш; жумладан, ҳаётни таъминлаб турувчи ҳаёт воситаларини тўхтатиш. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича тиббиёт ходимларига эвтаназияни қўллашга рўхсат этилмаган[16].

Ислом дини буйича эса ҳаётга қарши қаратилган барча жиноятлар, шунингдек ўзини-ўзи ўлдириш ниҳоятда катта гуноҳ ҳисобланади. Эвтаназия эса диний нуқтаи назардан мазмунан ҳаёт синовларига, хусусан, касалликларга чидай олмасдан ўзини-ўзи ўлдиришдир. Қолаверса, ҳар бир мусулмонга, ҳар бир инсонга ҳаёт Аллоҳ томонидан ато этилгандир ва уни қайтиб олиш фақатгина унинг қўлидадир. Шунинг учун ҳам, бизнингча, инсон ҳаёти муқаррар табиий ўлим қарор топгунига қадар сақланиши ва муҳофаза этилиши лозим. Бирок эвтаназия тарафдорлари бор экан, инсон ҳаётининг бундай тарзда маҳрум этилиш эҳтимоли ҳам мавжуд. Шундай экан, бизнингча Ўзбекистон Жиноят кодексига эвтаназия учун жавобгарликни назарда тутувчи норманинг киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

ХУЛОСА

Бугунги кунда 40 дан ортиқ мамлакатлар пассив эвтаназияга қонун билан рухсат берган[17]. Жумладан, Австриянинг Жиноят кодексига эвтаназия билан боғлиқ норма ўз аксини топган бўлиб, ушбу жиноят учун енгиллаштирувчи ҳолатларда одам ўлдириш жиноятлари каби жавобгарлик назарда тутилган.

REFERENCES

1. Шаргородский М.Д., Энгельс Ф. Положение рабочего класса в Англии. Маркс К. и Энгельс Ф. Соч., т. III. 13-б.
2. Шаргородский М.Д., Энгельс Ф. Положение рабочего класса в Англии. Маркс К. и Энгельс Ф. Соч., т. III. 36-б.
3. Попов А.Н. Преступления против личности при смягчающих обстоятельствах. Санкт-Петербург Юридический центр Пресс 2001. 25-бет / Красиков А.Н. Уголовно-правовая охрана прав и свобод человека России. Саратов, 1996 й. 9,10-бетлар.
4. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. 3-том. Махсус қисм. ОТМ учун дарслик. «ILM ZIYO» нашриёт уйи. Тошкент. 2011. – Б.27.
5. Анианц М.К. Ответственность за преступления против жизни по действующему законодательству союзных республик. Издательство “Юридическая литература”. М., 1964 г. 19-с. Советское уголовное право Часть особенная. “Юридическая литература”. М., 1979 г. 172-с.
6. Гродзинский М.М. Преступления против личности. М., 1924 г 4-с. Мокринский К. Преступления против личности. Харьков, 1928 г. 6-с.
7. Попов А.Н. Адабиёт. 25-бет. // Лукичев О.В. Детоубийство: уголовно-правовая и криминологическая характеристика. СПб, 2000 й 32-бет.; Ўз. Рес. ЖКга шарҳлар. 129-бет.
8. Лукичев О.В. Детоубийство: уголовно-правовая и криминологическая характеристика. СПб, 2000 г. 32-с. (Lukichev O.V. Infanticide: criminal law and criminological characteristics. SPB, 2000 32nd p).
9. Попов А.Н., Кондрашова Т.В. Проблемы уголовной ответственности за преступления против жизни, здоровья, половой свободы и половой неприкосновенности. Екатеринбург, 2000 г. 12,13-С.
10. Шарипов Р.К. Вопросы о начале уголовно-правовой охране жизни человека. // Уголовное право. 1999 й. №4. 33-С.
11. Анианц М.К. 1964 г. 19-с. // Поинтовский А.А., Меньшагин В.Д., Курс советского уголовного право Особенная часть т. I, М., 1955, стр. 520; Советское уголовное право Часть особенная. Юридическая литература” 1979-г. 172-с
12. Красиков А.Н. Уголовно-правовая охрана прав и свобод человека России. - Саратов, 1996 г. ст 9-10. (Popov A.N. adiabiet. 25-p. //
13. Красиков А.Н. Уголовно-правовая охрана прав и свобод человека России. - Саратов, 1996 г. ст 9-10.

-
14. Нарижний С.П. Глубев К.И. Право на жизнь: возможность защиты. Жур. “Адвокатская практика” изд. Юрист. №3 2000 г. // Дж. реалс., Д.Антисори
Западная философия от историков до наших дней. I. Античность. – М., 1997 г. 89-с.
 15. Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Масъул муҳаррир Н.Тойчиев. Т.: “Адолат”, 2010. – С.536.
 16. Ивченко О. Ответственность за эвтаназию по уголовному законодательству зарубежных стран. // Ж. Уголовное право. 2001. №3. – С. 19.